

متن عقيدة الطحاوية

Таҳовия ақидаси матни

АҚИДА РИСОЛАСИ

**Муаллиф: Имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Мұхаммад ат-
Таҳовий**

**Таржимон:
Афзал Аброр**

**Тошкент:
2016 йил**

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Матн муаллифи Абу Жаъфар Аҳмад ибн Мухаммад ат-Таховий бўлиб, машҳур Ҳанафий олимларидандир. Ҳижрий 238 йилда Мисрнинг Таҳо номли жойида дунёга келганлар ва ҳижрий 321 йилда Қохира шаҳрида вафот топганлар.

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

قَالَ الْعَلَامَةُ حُجَّةُ الْإِسْلَامِ أَبُو جَعْفَرٍ الْوَرَاقُ الطَّحاوِيُّ إِصْرَرَ رَحْمَةُ اللَّهِ:

هَذَا ذِكْرٌ بِيَانِ عِقِيدَةِ أَهْلِ السُّنَّةِ وَالْجَمَاعَةِ عَلَى مَذَهَبِ فُقَهَاءِ الْمُلَلَةِ أَيِّ حِيقَةَ النُّعْمَانَ بْنِ ثَابِتِ الْكُوفِيِّ وَأَيِّ يُوسُفَ يَعْقُوبَ بْنِ إِبْرَاهِيمَ الْأَنْصَارِيِّ وَأَيِّ عَبْدِ اللَّهِ مُحَمَّدَ بْنِ الْحَسَنِ الشَّيْبَانِيِّ رِضْوَانُ اللَّهِ عَلَيْهِمْ أَجْمَعِينَ وَمَا يَعْتَقِدُونَ مِنْ أُصُولِ الدِّينِ وَيَدِينُونَ بِهِ رَبُّ الْعَالَمِينَ.

نَقُولُ فِي تَوْحِيدِ اللَّهِ مُعْتَقِدِينَ بِتَوْفِيقِ اللَّهِ: إِنَّ اللَّهَ وَاحِدٌ لَا شَرِيكَ لَهُ، وَلَا شَيْءٌ مِثْلُهُ، وَلَا شَيْءٌ يُعْجِزُهُ، وَلَا إِلَهَ غَيْرُهُ،

РАҲМАТИ БУ ДУНЁДА ОММАИ МАХЛУҚОТЛАРГА, ОХИРАТДА МЎМИНЛАРГА ХОС БЎЛГАН АЛЛОҲНИНГ ИСМИ ИЛА

Оlamлар Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Мисрлик аллома, хужжатул Ислом Абу Жаъфар Варроқ

Таҳовий раҳимаҳуллоҳ дедилар: Бу – миллат фақиҳлари бўлмиш Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит Кўфий, Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Ансорий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийларнинг – барчаларига Аллоҳнинг розилиги бўлсин – дин асосларида бўлган эътиқодлари, оламлар Роббиси Аллоҳга ўша эътиқод асосида бандалик қилғанлари ва мазҳабларига мувофиқ бўлган аҳли сунна ва жамоа ақидаси баёниг зикридир.

Аллоҳнинг тавфиқи ила эътиқод қилган ҳолда Аллоҳнинг тавҳиди (якка илоҳлиги) ҳақида қуидагиларни айтамиз: Аллоҳ бирдир, Унинг (мутлақ) шериги йўқдир, Унинг (хар қандай маънода) ўхشاши йўқдир, Уни ожиз қолдирувчи бирор нарса йўқдир, Ундан ўзга илоҳ йўқдир.

قَدِيمٌ بِلَا ابْتِدَاءٍ دَائِمٌ بِلَا انْتِهَاءٍ، لَا يَفْنَى وَلَا يَسِيدُ، وَلَا يَكُونُ إِلَّا مَا يُبَيِّدُ، لَا تَبْلُغُهُ الْأَوْهَامُ وَلَا
تُدْرِكُهُ الْأَفْهَامُ، وَلَا يَشْبَهُ الْأَنَامَ،

У ибтидосиз (бошланишсиз) қадимdir, интихосиз (охири йўқ) доимdir. У фоний бўлmas ва йўқ бўлmas. Фақатгина У ирода қилгани бўлур. Фаразлар Унга етmas, фаҳмлар Уни идрок қила олmas ва одамларга ўхшамас.

حَيٌّ لَا يُوْتُ قَيْوُمٌ لَا يَنَامُ، خَالِقٌ بِلَا حَاجَةٍ رَازِقٌ بِلَا مَوْنَةٍ، مُمِيتٌ بِلَا مَخَافَةٍ بَاعِثٌ بِلَا
مَشَقَّةٍ، مَا زَالَ بِصِفَاتِهِ قَدِيمًا قَبْلَ خَلْقِهِ لَمْ يَزْدَدْ بِكَوْنِهِمْ شَيْئًا لَمْ يَكُنْ قَبْلَهُمْ مِنْ صِفَتِهِ، وَكَمَا

كَانَ بِصِفَاتِهِ أَرْلَيَا كَذَلِكَ لَا يَرَأُ عَلَيْهَا أَبْدِيًّا، لَيْسَ بَعْدَ خَلْقِ الْخَلْقِ اسْتَفَادَ اسْمَ (الْخَالِقُ)
وَلَا يَأْخُذَهُ الْبَرِيَّةُ اسْتَفَادَ اسْمَ (الْبَارِي)،

Тирикдир ўлмайди, Қайюмдир ухламайди, ҳожати бўлмаган холда яратувчидир, қийинчиликсиз ризқ берувчидир. Яратганларини яратишдан аввал Ўз сифатлари ила (бошланишсиз) қадим бўлганидек, махлукотларини яратгач сифатларидан бўлмаган бирор нарса Унинг сифатларида зиёда бўлиб қолмаган. У Ўз сифатлари ила азалий бўлганидек, айнан ўша сифатлар ила абадийдир. У “Холик” (яратувчи) исмини махлукотларини яратганидан сўнг олмаган, “Борий” (йўқдан бор қилувчи) исмини халойиқни йўқдан бор қилганидан сўнг олмаган.

لَهُ مَعْنَى الرُّبُوبَ وَلَا مَرْبُوبٌ وَمَعْنَى الْخَالِقِ وَلَا مَخْلُوقٌ، وَكَمَا أَنَّهُ مُحْيٍ الْمَوْتَىٰ بَعْدَمَا أَحْيَا اسْتَحْقَقَ
هَذَا الِاسْمُ قَبْلَ إِحْيَاهُمْ، كَذَلِكَ اسْتَحْقَقَ اسْمَ (الْخَالِقُ) قَبْلَ إِنْشَائِهِمْ، ذَلِكَ بِأَنَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ
وَكُلُّ شَيْءٍ إِلَيْهِ فَقِيرٌ وَكُلُّ أَمْرٍ عَلَيْهِ يَسِيرٌ لَا يَحْتَاجُ إِلَىٰ شَيْءٍ (لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ)
[الشُّورَى: 11]

Тарбия қилинувчи йўқ бўлганида ҳам У Робб (тарбиячи) эди, яратилмиш йўқ бўлганида ҳам У Холик (яратувчи) эди. “Муҳйил мавта” (ўликларни тирилтирувчи) исмини ўликларни тирилтиргач олгани ва ўликларни тирилтиришдан аввал ҳам ушбу исмга мустаҳиқ бўлгани каби махлукотларни

яратишидан аввал “Холик” исмига мустаҳиқ бўлган. Чунончи, У ҳар нарсага Қодир, ҳар нарса унга муҳтож, ҳар бир иш Унга енгил ва У ҳеч нарсага муҳтож эмас: “**У зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир. У зот ўта эшитгувчи, ўта кўргувчи зотдир**” (Шўро сураси, 11-оят).

خَلَقَ الْخُلْقَ بِعِلْمِهِ، وَقَدَرَ لَهُمْ أَقْدَارًا، وَضَرَبَ لَهُمْ آجَالًا، وَلَمْ يَكُنْ فَعَلَ شَيْءٌ قَبْلَ أَنْ يَخْلُقَهُمْ،
 وَعَلِمَ مَا هُمْ عَامِلُونَ قَبْلَ أَنْ يَخْلُقَهُمْ، وَأَمْرَهُمْ بِطَاعَتِهِ وَنَهَاهُمْ عَنْ مَعْصِيَتِهِ،

Махлукотларни ўз илми ила яратган, уларга (ҳар маънода) ўлчов, миқдор белгилаган ва (ҳар маънода) муддат таъйин қилган. Уларни яратмай туриб ҳам ҳеч нарса Унга махфий эмас эди. Бандаларини яратишдан аввал улар қандай амал қилишларини билган. Уларни Ўзига итоат қилишга буорган ва Ўзига маъсият қилишдан қайтарган.

وَكُلُّ شَيْءٍ يَجْرِي بِتَقْدِيرِهِ وَمَشِيَّتِهِ، وَمَشِيَّتُهُ تَنْفُذُ لَا مَشِيَّةً لِلْعِبَادِ إِلَّا مَا شَاءَ لَهُمْ، فَمَا شَاءَ لَهُمْ
 كَانَ وَمَا لَمْ يَشَاءْ لَمْ يَكُنْ، يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ وَيَغْصِمُ وَيَعْافِ فَضْلًا، وَيُضِلُّ مَنْ يَشَاءُ وَيَحْذِلُ وَيَبْتَلِي عَدْلًا،
 وَكُلُّهُمْ يَتَقَلَّبُونَ فِي مَشِيَّتِهِ بَيْنَ فَضْلِهِ وَعَذْلِهِ،

Барча нарса Унинг тақдири, хоҳиши билан бўлур. Унинг хоҳишигина бўлади, бандаларнинг хоҳиши У хоҳласагина

бўлади. Нимани хоҳласа бўлади, хоҳламаса бўлмайди. Ўз фазли ила хоҳлаганини ҳидоят қилади ва сақлаб оғият беради. Ўз адли ила хоҳлаганини адашган ҳолича қўяди ва хорлаб балоларга гирифтор қилади. Барча бандалари Унинг хоҳишининг остида, фазли ва адли орасида бўладилар.

وَهُوَ مُتَعَالٌ عَنِ الْأَضْدَادِ وَالْأَنْدَادِ، لَا رَادٌ لِقَضَائِهِ وَلَا مُعَقِّبٌ لِحُكْمِهِ وَلَا غَالِبٌ لِأَمْرِهِ، آمَّا بِذَلِكَ
كُلِّهِ وَأَيْقَنًا أَنَّ كُلًا مِنْ عِنْدِهِ،

У қарши турувчилар ва тенгдошлардан олийдир. Унинг қазосини қайтаргувчи йўқ, Унинг ҳукмини тафтиш қилувчи йўқ ва Унинг ишига ғолиб келувчи йўқ. Буларнинг барчасига иймон келтирдик ва ҳамма нарса Ундан эканлигига чукур эътиқод қилдик.

وَإِنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ الْمُصْطَفَى وَنَبِيُّهُ الْمُجْتَبَى وَرَسُولُهُ الْمُرْتَضَى، وَإِنَّهُ خَاتَمُ الْأَنْبِيَاءِ وَإِمامُ الْأَنْقِيَاءِ
وَسَيِّدُ الْمُرْسَلِينَ، وَحَبِيبُ رَبِّ الْعَالَمِينَ، وَكُلُّ دَعْوَى النُّبُوَّةِ بَعْدَهُ فَغَيِّرْ وَهَوَى، وَهُوَ الْمَبْعُوثُ إِلَى عَامَّةِ
الْجِنِّ وَكَافَّةِ الْوَرَى بِالْحَقِّ وَالْهُدَى وَبِالنُّورِ وَالضَّيَاءِ.

Ва албатта ҳазрати Мухаммад У зотнинг танлаб олган бандаси, ихтиёр қилган набийси, рози бўлган расулидир. У киши набийлар охиргиси, тақводорлар имоми, расуллар саййиди ва оламлар Роббисининг ҳабибидирлар. У кишидан

кейинги ҳар қандай набийлик даъвоси гумроҳлик ва ҳаводир. У киши жинлар ва одамлар оммасига ҳақ, ҳидоят, нур ва зиё ила юборилгандирлар.

وَإِنَّ الْقُرْآنَ كَلَامُ اللَّهِ مِنْهُ بَدَا بِلَا كَيْفِيَّةٍ قَوْلًا وَأَنْزَلَهُ عَلَى رَسُولِهِ وَحْيًا وَصَدَّقَهُ الْمُؤْمِنُونَ عَلَى ذَلِكَ حَقًّا وَأَيْقَنُوا أَنَّهُ كَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى بِالْحَقِيقَةِ لَيْسَ بِخَلْوَقٍ كَكَلَامِ الْبَرِيَّةِ، فَمَنْ سَمِعَهُ فَرَأَعَمَ أَنَّهُ كَلَامُ الْبَشَرِ فَقَدْ كَفَرَ، وَقَدْ ذَمَّهُ اللَّهُ وَعَابَهُ وَأَوْعَدَهُ بِسَقَرَ حَيْثُ قَالَ تَعَالَى (سَأُصْلِيهِ سَقَرَ) [الْمُدَّثِّرُ: 26] فَلَمَّا أَوْعَدَ اللَّهُ بِسَقَرٍ لَمَنْ قَالَ: (إِنَّ هَذَا إِلَّا قَوْلُ الْبَشَرِ) [الْمُدَّثِّرُ: 32] عَلِمْنَا وَأَيْقَنَّا أَنَّهُ قَوْلُ خَالِقِ الْبَشَرِ وَلَا يُشْبِهُ قَوْلَ الْبَشَرِ، وَمَنْ وَصَفَ اللَّهُ بِمَعْنَى مِنْ مَعَانِي الْبَشَرِ فَقَدْ كَفَرَ، فَمَنْ أَبْصَرَ هَذَا اعْتَبَرَ وَعَنْ مِثْلِ قَوْلِ الْكُفَّارِ انْرَجَرَ وَعَلِمَ أَنَّهُ بِصِفَاتِهِ لَيْسَ كَالْبَشَرِ.

Ва албатта Куръон – Аллоҳнинг каломидир. У Аллоҳдан сўзлаш ила кайфиятсиз содир бўлган. Уни Аллоҳ Ўз расулига ваҳий орқали нозил қилган. Мўминлар буни ҳақ деб тасдиқлаганлар ва Куръон ҳақиқатда Аллоҳнинг каломи бўлиб у халойиқнинг каломи каби махлук эмас эканлигига чуқур ишонганлар. Кимки уни эшитгач “бу башарнинг каломи” деса, аниқки коғир бўлибди. Аллоҳ бундай дегувчини мазаммат қилган, айبلاغан ва унга “Сақар” (Жаҳаннамдаги бир водийнинг номи) ваъдасини берган: “**Уни албатта “Сақар”га ташлайман**” (Муддассир сураси, 26-оят). “**Бу башарнинг каломидан ўзга нарса эмас**” (Муддассир сураси, 32-оят) деган одамга Аллоҳ ваъда қилганидан билиб чуқур ишонч ҳосил қилдикки, Куръон башарият Холиқининг каломидир ва у башар каломига ўхшамас. Кимки Аллоҳни

башарга тегишли маънолардан бирор маъно ила васф қилса, батаҳқиқ кофир бўлибди. Ким чуқур назар солса, ибрат олади, кофирларнинг қавлига ўхшашлардан буткул четланади ва Аллоҳ Ўз сифатлари ила башар каби эмаслигини билади.

والرُّوِيَّةُ حَقٌّ لِّأَهْلِ الْجَنَّةِ بِغَيْرِ إِحَاطَةٍ وَلَا كَيْفِيَّةٍ كَمَا نَطَقَ بِهِ كِتَابُ رَبِّنَا (وُجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَاضِرَةٌ إِلَى رَبِّهَا نَاظِرَةٌ) [الْقِيَامَةُ: 22 - 23]. وَتَفْسِيرُهُ عَلَى مَا أَرَادَهُ اللَّهُ تَعَالَى وَعَلِمَهُ، وَكُلُّ مَا جَاءَ فِي ذَلِكَ مِنْ الْحَدِيثِ الصَّحِيحِ عَنِ الرَّسُولِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَهُوَ كَمَا قَالَ وَمَعْنَاهُ عَلَى مَا أَرَادَ، لَا نَدْخُلُ فِي ذَلِكَ مُتَأْوِلِينَ بِآرَائِنَا وَلَا مُتَوَهِّمِينَ بِآهْوَائِنَا، فَإِنَّهُ مَا سَلَّمَ فِي دِينِهِ إِلَّا مَنْ سَلَّمَ لِلَّهِ عَزَّ وَجَلَّ وَلِرَسُولِهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَرَدَ عِلْمٌ مَا اشْتَبَهَ عَلَيْهِ إِلَى عَالَمِهِ.

Роббимизнинг каломида “У кунда бор юзлар гўзал. Роббилирига назар солувчилар” (Киёмат сураси, 22, 23-оятлар) дейилгани каби Аллоҳни қўриш жаннат аҳли учун чегарасиз, кайфиятсиз ҳолда ҳақдир. Бунинг тафсири Аллоҳ қандай ирода қилган ва қандай билган бўлса, шундайдир. Бу ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сахих ҳадисда келган хабар у киши айтганларидекдир ва унинг маъноси у киши соллаллоҳу алайҳи васаллам ирода қилганларидекдир. Ўз раъйларимиз ила таъвил қилиб, ҳаволаримиз ила гумон қилиб, бу нарсанинг тафсилотига киришмаймиз. Аллоҳга ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга буткул таслим бўлган, ақлга суюниб билиши мумкин бўлмаган нарсани уни Билувчисига қайтарган кишигина динида саломат қолгувчиидир.

وَلَا تَبْتُ قَدْمُ الْإِسْلَامِ إِلَّا عَلَى ظَهِيرِ التَّسْلِيمِ وَالْإِسْتِسْلَامِ، فَمَنْ رَأَمْ عِلْمًا مَا حُظِرَ عَنْهُ عِلْمُهُ وَلَمْ يَقْنَعْ بِالْتَّسْلِيمِ فَهُمْ حَجَجُهُ مَرَأْمُهُ عَنْ خَالِصِ التَّوْحِيدِ وَصَافِي الْمَعْرِفَةِ وَصَاحِحِ الإِيمَانِ فَيَتَذَبَّدُ بَيْنَ الْكُفَرِ وَالْإِيمَانِ وَالْتَّصْدِيقِ وَالْتَّكْذِيبِ وَالْإِقْرَارِ وَالْإِنْكَارِ مُؤْسَسًا تَائِهًا شَاكِرًا لَا مُؤْمِنًا مُصَدِّقًا وَلَا جَاهِدًا مُكَذِّبًا،

Исломда сабитқадамлик фақатгина буткул таслим ва мутлақ бўйинсуниш билангина сабит бўлади. Кимки билишга интилиш қайтарилиган илмни хоҳласа ва фаҳми буткул таслим бўлишга қаноат қилмаса, ушбу истаги уни холис тавҳиддан, соғ маърифатдан ва саҳих иймондан тўсиб қўяди. Бас, у куфр ва иймон, тасдиқлаш ва ёлғонга чиқариш, икror қилиш ва инкор қилиш орасида васвасага тушган, адашган, иккиланган, на тасдиқ қилувчи мўмин ва на ёлғонга чиқарувчи гумроҳ холида сарсон бўлгувчиидир.

وَلَا يَصُحُّ الإِيمَانُ بِالرُّؤْيَا لِأَهْلِ دَارِ السَّلَامِ لِمَنِ اعْتَبَرَهَا مِنْهُمْ بِوَهْمٍ أَوْ تَأْوِلَهَا بِفَهْمٍ إِذْ كَانَ تَأْوِيلُ الرُّؤْيَا وَتَأْوِيلُ كُلِّ مَعْنَى يُضَافُ إِلَى الرُّبُوْيَةِ بِتَرْكِ التَّأْوِيلِ وَلِرُوْمِ التَّسْلِيمِ وَعَلَيْهِ دِينُ الْمُسْلِمِينَ. وَمَنْ لَمْ يَتَوَقَّ النَّفْيِ وَالشَّبِيهَ زَلَّ وَلَمْ يُصِبِ التَّنْزِيَةَ. فَإِنَّ رَبَّنَا جَلَّ وَعَالَ مَوْصُوفٌ بِصِفَاتِ الْوَحْدَانِيَّةِ مَنْعُوتٌ بِنْعُوتِ الْفَرْدَانِيَّةِ لَيْسَ فِي مَعْنَاهُ أَحَدٌ مِنِ الْبَرِيَّةِ وَتَعَالَى عَنِ الْحُدُودِ وَالْغَيَّاتِ وَالْأَرْكَانِ وَالْأَعْضَاءِ وَالْأَدَوَاتِ لَا تَحْوِيهِ الْجِهَاتُ السِّتُّ كَسَائِرِ الْمُبَتَدَعَاتِ.

“Саломатлик диёри” (жаннат) ахлидан кимки Аллоҳни кўриш ҳақида вахм ила эътибор қилса ёки фаҳм ила таъвил қилса, унинг Аллоҳни кўриш ҳақидаги иймони саҳих

бўлмайди. Зеро, У зотни кўришнинг ва умуман рубубиятга боғлиқ бўлган ҳар қандай маънонинг таъвили айнан таъвилни тарк этиш ва буткул таслим бўлишни лозим тутиш билангина амалга ошади ва мусулмонларнинг дини шу асосдадир. Аллоҳнинг сифатларини нафий қилиш (йўққа чиқариш) ёки ташбех (бошқаларга ўхшатиш)дан тийилмаган инсон Аллоҳни барча айбу нуқсонлардан пок деб билмаган каби бўлиб қолади. Албатта улуғ ва олий Роббимиз Ваҳдоният (бирлик, шериги йўқлик) васфлари ила васфлангандир, фардоният (яккалик) сифатлари ила сифатлангандир, халойикдан бирортаси ушбу маъноларни ўзида мужассам этмагандир. У зот чегаралар, ундан нарига ўтиб бўлмас охирлар, таянчлар, аъзолар ва асбоблар тутишдан олийдир ва яратилганларни олти тараф (ўнг ва чап, олд ва орқа, паст ва тепа) ўз ичига қамрагани каби Уни қамрамайди. (Аллоҳ олти тарафни ҳам, вақтнинг ҳам ва умуман борлиқни йўқдан бор қилувчисидир).

وَالْمِعَارُجُ حَقٌّ وَقَدْ أُسْرِيَ بِالنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَعُرِجَ بِشَخْصِهِ فِي الْيَقَظَةِ إِلَى السَّمَاءِ ثُمَّ إِلَى حَيْثُ شَاءَ اللَّهُ مِنَ الْعُلَا وَأَكْرَمَهُ اللَّهُ بِمَا شَاءَ وَأَوْحَى إِلَيْهِ مَا أَوْحَى (مَا كَذَبَ الْفُؤَادُ مَا رَأَى) [النَّجْم: 11] فَصَلَّى اللَّهُ وَسَلَّمَ عَلَيْهِ فِي الْآخِرَةِ وَالْأُولَى، وَالْحُوْضُ الَّذِي أَكْرَمَهُ اللَّهُ تَعَالَى بِهِ عَيَّاثًا لِأَمْتَهِ حَقٌّ، وَالشَّفَاعَةُ الَّتِي ادْخَرَهَا لَهُمْ حَقٌّ كَمَا رُوِيَ فِي الْأَخْبَارِ، وَالْمِيزَانُ الَّذِي أَخَذَهُ اللَّهُ تَعَالَى مِنْ آدَمَ وَذُرِّيَّتِهِ حَقٌّ.

Меъроj ҳақдир, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам исро қилдирилганлар ва уйғоқликда жасадлари ва руҳлари ила осмонга, сўнгра Аллоҳ хоҳлаган олийликка меъроj

қилингандар. Аллоҳ у кишини хоҳлагани ила икром қилиб, у зотга нимани ваҳий қилган бўлса ўшани ваҳий қилган, “Қалб (кўзи) кўрганини ёлғонга чикармади” (Нажм сураси 11-оят). Аллоҳ у кишига дунёю охиратда салот ва салом йўллади. Аллоҳ Расулимизни у кишининг умматларини чанқоқдан қондирган “Ҳавзи кавсар” ила икром қилгани ҳақдир. Хабарларда ривоят қилинганидек Набийимиз умматлари учун қиёматга олиб қўйган шафоъатлари ҳақдир. Аллоҳ Одам алайҳиссалом ва у кишининг зурриётларидан олган мисоқи ҳақдир.

وَقَدْ عَلِمَ اللَّهُ تَعَالَى فِيمَا لَمْ يَرَلْ عَدَدَ مَنْ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ وَعَدَدَ مَنْ يَدْخُلُ النَّارَ جُمْلَةً وَاحِدَةً، فَلَا يُرَادُ فِي ذَلِكَ الْعَدَدِ وَلَا يُنْقَصُ مِنْهُ، وَكَذَلِكَ أَفْعَاهُمْ فِيمَا عَلِمَ مِنْهُمْ أَنْ يَفْعَلُوهُ، وَكُلُّ مُبِيسَرٍ لِمَا خُلِقَ لَهُ، وَالْأَعْمَالُ بِالْحُكْمِ، وَالسَّعِيدُ مَنْ سَعِدَ بِقَضَاءِ اللَّهِ وَالشَّقِيقُ مَنْ شَقِيقَ بِقَضَاءِ اللَّهِ،

Аллоҳ таоло азалда биттада жаннатга кирувчилар ва дўзахга кирувчиларнинг ададини аниқ билган. Ушбу ададга ҳеч нарса зиёда ҳам қилинмайди, ҳеч нарса камайтирилмайди ҳам. Шунингдек бандалар бажарадиган амаллар ҳам Аллоҳ билганидек рўёбга чиқади. Ҳар бир банда нима учун яратилган бўлса ўшанга муюссар қилинган. Амаллар хотималари биландир. Бахтли Аллоҳнинг қазоси ила баҳтли бўлгандир, баҳтсиз Аллоҳнинг қазоси ила баҳтсиз бўлганидир.

وَأَصْلُ الْقَدْرِ سِرُّ اللَّهِ تَعَالَى فِي خَلْقِهِ لَمْ يَطَّلِعْ عَلَى ذَلِكَ مَلَكُ مُقَرَّبٌ وَلَا نَبِيٌّ مُرْسَلٌ، وَالْتَّعْمُقُ
وَالنَّظَرُ فِي ذَلِكَ ذَرِيعَةُ الْخِذْلَانِ وَسُلْمُ الْحِرْمَانِ وَدَرَجَةُ الطُّغْيَانِ، فَالْحَذْرُ كُلُّ الْحَذْرِ مِنْ ذَلِكَ نَظَرًا وَفِكْرًا
وَوَسْوَسَةً، فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى طَوَى عِلْمَ الْقَدْرِ عَنْ أَنَامِهِ وَنَهَا هُمْ عَنْ مَرَامِهِ كَمَا قَالَ اللَّهُ تَعَالَى فِي كِتَابِهِ: (لَا
يُسَأَلُ عَمَّا يَفْعَلُ وَهُمْ يُسَأَلُونَ) [الأنبياء: 23]. فَمَنْ سَأَلَ لَمْ فَعَلَ؟ فَقَدْ رَدَ حُكْمَ الْكِتَابِ وَمَنْ رَدَ
حُكْمَ الْكِتَابِ كَانَ مِنَ الْكَافِرِينَ.

Қадарнинг асли Аллоҳ таолонинг сири бўлиб, уни муқарраб фаришта ҳам, расул этиб юборилган набий ҳам билмайди. Қадарда чуқур кетиш, у ҳақида ортиқча фикр қилиш хорлик сабаби, маҳрумлик нарвони ва түғён даражасидир. Бунга назар солишдан, фикр юритишдан васвасага тушишдан буткул ҳазар қилиш лозимдир. Аллоҳ таоло қадар илмини бандаларидан ўраб қўйган ва уларни ўша илмга интилишдан наҳий қилган, Аллоҳ таоло Ўз Китобида: “Ўзи қиларидан сўралмас, улар сўралурлар” (Анбиё сураси, 23-оят) деб марҳамат қилган. Кимки (норозилик ила, ҳикматини изламай туриб): “Аллоҳ буни нимага қилди?” деса, Китоб (Куръон)нинг ҳукмини рад қилган бўлади. Кимки Китобнинг ҳукмини рад қилса, кофирлардан бўлади.

فَهَذَا جُمْلَةُ مَا يَحْتَاجُ إِلَيْهِ مَنْ هُوَ مُنَورٌ قَلْبُهُ مِنْ أَوْلَيَاءِ اللَّهِ تَعَالَى وَهِيَ دَرَجَةُ الرَّاسِخِينَ فِي الْعِلْمِ
لَا إِنَّ الْعِلْمَ عِلْمَانِ: عِلْمٌ فِي الْخَلْقِ مَوْجُودٌ وَعِلْمٌ فِي الْخَلْقِ مَفْقُودٌ، فَإِنْكَارُ الْعِلْمِ الْمَوْجُودِ كُفْرٌ، وَادْعَاءُ
الْعِلْمِ الْمَفْقُودِ كُفْرٌ، وَلَا يُشْبِثُ الْإِيمَانُ إِلَّا بِقَبْوِ الْعِلْمِ الْمَوْجُودِ وَتَرْكُ طَلَبِ الْعِلْمِ الْمَفْقُودِ.

Булар – Аллоҳнинг дўстларидан бўлган, қалби мунаввар бандалар билишга муҳтож бўлган – ақийдалардир. Мана шу – илмда мустаҳкам бўлганларнинг даражасидир. Зоро, илм икки турлидир: халқдаги мавжуд илм ва халқда мавжуд бўлмаган илм. Халқда мавжуд илмни инкор қилиш – куфрдир. Халқда мавжуд бўлмаган илмни билишни даъво қилиш ҳам – куфрдир. Иймон халқда мавжуд илмни қабул қилиш ва халқда мавжуд бўлмаган илмни талаб қилишни тарк этиш билангина собит бўлади.

وَنُؤْمِنُ بِاللَّوْحِ وَالْقَلْمِ وَبِجَمِيعِ مَا فِيهِ قَدْ رُقِمَ، فَلَوْ اجْتَمَعَ الْخُلُقُ كُلُّهُمْ عَلَى شَيْءٍ كَتَبَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِيهِ أَنَّهُ كَائِنٌ لِيَجْعَلُوهُ غَيْرَ كَائِنٍ لَمْ يَقْدِرُوا عَلَيْهِ وَلَوْ اجْتَمَعُوا كُلُّهُمْ عَلَى شَيْءٍ لَمْ يَكُنْهُمْ كَتَبَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِيهِ لِيَجْعَلُوهُ كَائِنًا لَمْ يَقْدِرُوا عَلَيْهِ، حَفَّ الْقَلْمُ مَا هُوَ كَائِنٌ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ، وَمَا أَخْطَأَ الْعَبْدَ لَمْ يَكُنْ لِيُصِيبَهُ وَمَا أَصَابَهُ لَمْ يَكُنْ لِيُخْطِئَهُ.

Лавҳга, қаламга ва ундаги барча аниқ ёзиб қўйилган нарсаларга иймон келтирамиз. Агар халойиқнинг барчаси Аллоҳ лавҳда “бўлади” деб ёзиб қўйган нарсани вужудга келтирмаслик учун жамлансалар ҳам бунга қодир бўла олмайдилар. Агар халойиқнинг барчаси Аллоҳ лавҳда “бўлмайди” деб ёзиб қўйган нарсани вужудга келтиришлик учун жамлансалар ҳам бунга қодир бўла олмайдилар. Қиёматгача нималар бўлиши ҳақида ёзган қалам куриб

бўлган. Бандани четлаб ўтган нарса унга ҳаргиз етиши мумкин эмас, Бандага етган нарса ҳаргиз уни четлаб ўтиши мумкин эмас.

وَعَلَى الْعَبْدِ أَنْ يَعْلَمَ أَنَّ اللَّهَ قَدْ سَبَقَ عِلْمُهُ فِي كُلِّ كَائِنٍ مِنْ خَلْقِهِ، فَقَدَرَ ذَلِكَ تَقْدِيرًا مُحْكَمًا
مُبِرِّمًا لَيْسَ فِيهِ نَاقِضٌ وَلَا مُعَقِّبٌ وَلَا مُزِيلٌ وَلَا مُغَيِّرٌ وَلَا نَاقِصٌ وَلَا زَائِدٌ مِنْ خَلْقِهِ فِي سَمَاوَاتِهِ وَأَرْضِهِ،
وَذَلِكَ مِنْ عَقْدِ الْإِيمَانِ وَأَصْوْلِ الْمَعْرِفَةِ وَالْإِعْتِرَافِ بِتَوْحِيدِ اللَّهِ تَعَالَى وَرُؤُبُيَّتِهِ كَمَا قَالَ تَعَالَى فِي كِتَابِهِ:
(وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَقَدَرَهُ تَقْدِيرًا) [الْفُرْقَانِ: 2] وَقَالَ تَعَالَى: (وَكَانَ أَمْرُ اللَّهِ قَدَرًا مَقْدُورًا) [الْأَخْرَابُ:
38] فَوَيْلٌ لِمَنْ صَارَ لِلَّهِ تَعَالَى فِي الْقَدَرِ خَصِيمًا وَأَخْضَرَ لِلنَّظَرِ فِيهِ قَلْبًا سَقِيمًا، لَقَدِ الْتَّمَسَ بِوَهْمِهِ فِي
فَحْصِ الْغَيْبِ سِرًا كَتِيمًا وَعَادَ إِمَّا قَالَ فِيهِ أَفَاكًا أَثِيمًا.

Банда – Аллоҳ таоло Ўзи яратган нарсаларнинг барчасида бўлувчи нарсаларни Ўз илми ила билишини, осмонларию ерида яратганларида Ўзидан бошқа бирор бузувчи, кузатиб турувчи, йўқка чиқарувчи, ўзгартирувчи, камайтирувчи ёки зиёда қилувчи бўлмаган ҳолида уларни мукаммал, қатъий ўлчов ила ўлчаб кўйганини – англаши фарздир. Мана шу иймон ақди ва Аллоҳ таолонинг тавҳиди ва рубубиятини билиш ва эътироф этишнинг асосларидандир. Чунончи, Аллоҳ таоло Ўз Китобида қуидагича марҳамат қиласи: “**Барча нарсаларни яратиб уларни ўлчов ила ўлчаб қўйди**” (Фурқон сураси, 2-оят). Аллоҳ таоло айтади: “**Аллоҳнинг иши – ўлчанган аниқ ўлчов бўлди**” (Ахзоб сураис, 38-оят). Бас, Аллоҳнинг қадарида У зотга душманлик

қилган, қадар ҳақида чуқур кетиш учун касал қалбни ишга согланга “вайл” бўлсин. У ўзининг ваҳми ила ғайбни ўрганишда беркитилган сирни қидирмокда ва ўша изланишига суюниб айтган гапи ила бўхтончи ва гуноҳкорга айланмоқда.

وَالْعَرْشُ وَالْكُرْسِيُّ حَقٌّ، وَهُوَ مُسْتَغْنٌ عَنِ الْعَرْشِ وَمَا دُونَهُ، مُحِيطٌ بِكُلِّ شَيْءٍ وَمَا فَوْقَهُ، وَقَدْ أَعْجَزَ عَنِ الْإِحْاطَةِ بِهِ حَلْقُهُ.

Арш ва курсий ҳақдир. Аллоҳ арш ва ундан бошқасидан беҳожатдир ва аршнинг устидагилар билан бирга барча нарсани (Ўз илми ва қудрати ила) қамраб олгандир. У зотни қамраб олишдан яратилмишлар ожиздирлар.

وَنَقُولُ إِنَّ اللَّهَ اخْذَ إِبْرَاهِيمَ خَلِيلًا وَكَلَمَ اللَّهُ مُوسَى تَكْلِيمًا إِيمَانًا وَتَصْدِيقًا وَتَسْلِيمًا، وَنُؤْمِنُ بِالْمَلَائِكَةِ وَالنَّبِيِّينَ وَالْكُتُبِ الْمُنَزَّلَةِ عَلَى الْمُرْسَلِينَ وَنَشْهُدُ أَنَّهُمْ كَانُوا عَلَى الْحُقْقِ الْمُبِينِ.

Ва иймон, тасдиқлаш ва таслимият ила: ”Албатта Аллоҳ Иброҳимни Ўзига халил (дўст) тутди, Аллоҳ Мусо ила ўзига хос гаплашди“ деймиз. Фаришталарга, набийларга, расулларга нозил қилинган китобларга иймон келтирамиз ва барча пайғамбарлар очик-ойдин ҳақда бўлганликларига гувоҳлик берамиз.

وَنُسَمِّي أَهْلَ قِبْلَتَنَا مُسْلِمِينَ مُؤْمِنِينَ مَا دَامُوا بِمَا جَاءَ بِهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُعْتَرِفِينَ وَلَهُ بِكُلِّ مَا قَالَهُ وَأَحْبَرَ مُصَدِّقِينَ، وَلَا تَخُوضُ فِي اللَّهِ وَلَا نُمَارِي فِي دِينِ اللَّهِ، وَلَا تُجَادِلُ فِي الْقُرْآنِ وَنَشْهُدُ أَنَّهُ كَلَامُ رَبِّ الْعَالَمِينَ، نَزَّلَ بِهِ الرُّوحُ الْأَمِينُ فَعَلَمَهُ سَيِّدُ الْمُرْسَلِينَ مُحَمَّداً صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَهُوَ كَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى لَا يُسَاوِيهِ شَيْءٌ مِّنْ كَلَامِ الْمَخْلُوقِينَ وَلَا نَقُولُ بِخَلْقِهِ وَلَا تُخَالِفُ جَمَاعَةَ الْمُسْلِمِينَ.

Ахли қибламизни – токи улар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган нарсаларини эътироф қилишар, ҳар бир айтган ва хабар берган ҳақиқатларида у кишини тасдиқлашар экан – мусулмонлар ва мўминлар деб атамиз. Аллоҳнинг зоти ҳақида фикрлашга шўнгимаймиз ва Аллоҳнинг динида тортишмаймиз. Қуръон ҳақида жадал қилмаймиз ва “у оламлар Роббисининг каломи бўлиб уни омонатдор Рух (Жаброил) олиб тушган, расуллар саййиди Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ўргатган” деб гувоҳлик берамиз. У Аллоҳ таолонинг каломи бўлиб, махлуқларнинг бирорта каломи унга teng кела олмайди. Қуръон – махлук (яратилган) демаймиз. Мусулмонлар жамоъасига муҳолиф бўлмаймиз.

وَلَا تُكَفِّرُ أَحَدًا مِنْ أَهْلِ الْقِبْلَةِ بِذَنْبٍ مَا لَمْ يَسْتَحْلِلُهُ، وَلَا نَقُولُ لَا يَضُرُّ مَعَ الْإِيمَانِ ذَنْبٌ لِمَنْ عَمِلَهُ، وَنَرْجُو لِلْمُحْسِنِينَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ أَنْ يَعْفُوَ عَنْهُمْ وَيُدْخِلْهُمُ الْجَنَّةَ بِرَحْمَتِهِ وَلَا نَأْمَنُ عَلَيْهِمْ وَلَا نَشْهُدُ لَهُمْ بِالْجَنَّةِ وَنَسْتَغْفِرُ لِمُسِئِهِمْ وَنَخَافُ عَلَيْهِمْ وَلَا نَقْطُطُهُمْ،

Гуноҳни ҳалол санамас экан ахли қибладан бирортани кофир деб хукм қилмаймиз. “Гуноҳни қилган инсон учун токи иймони бор экан гуноҳи унга зарар етказмайди” демаймиз. Мўминлардан бўлган муҳсинлар ҳақида Аллоҳ уларни афв этиб, Ўз раҳмати ила уларни жаннатга киргизишини умид қиласиз. Улар ҳақида “Аллоҳнинг иқобидан омондалар” деб жазм қиласиз ва уларга жаннатий деб гувоҳлик бермаймиз, мўминларнинг ёмонлари учун истиғфор айтиб, улар ҳақида (азоб етишидан) қўрқувда бўламиз ва улар ҳақида (гуноҳлари кечирилмайди деб) умидсизликка тушмаймиз.

وَالْأَمْنُ وَالْإِيَاسُ يَنْقُلَانِ عَنْ مِلَةِ الْإِسْلَامِ، وَسَيِّلُ الْحُقْقِ بَيْنَهُمَا لِأَهْلِ الْقِبْلَةِ، وَلَا يَكُرْجُ الْعَبْدُ مِنْ إِيمَانِ إِلَّا بِجُحْودِ مَا أَدْخَلَهُ فِيهِ.

“Аллоҳнинг иқобидан омонман” ва “Аллоҳнинг мағфирати ва раҳмати менга бўлмайди” деб эътиқод қилиш Ислом миллатидан чиқариб юборади. Ахли қибла учун ҳақ йўл икковининг ўртасидир (яъни Аллоҳнинг иқобига учрашдан қўрқиш ва Аллоҳнинг мағфират ва раҳматига етишишга умид қилишдадир). Бандани иймонга киргизган нарсани инкор қилишгина уни иймондан чиқаради.

وَالْإِيمَانُ هُوَ الْأَقْرَارُ بِاللِّسَانِ وَالتَّصْدِيقُ بِالْجَنَانِ.

Иймон – тил билан иқрор қилиш, қалб билан тасдиқ қилишидир.

وَجَمِيعُ مَا صَحَّ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنَ الشَّرْعِ وَالْبَيَانِ كُلُّهُ حَقٌّ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сахиҳ йўл ила ворид бўлган шариат ва унинг баёнигинг барчаси ҳақдир.

وَالْإِيمَانُ وَاحِدٌ وَأَهْلُهُ فِي أَصْلِهِ سَوَاءٌ وَالْتَّفَاصُلُ بَيْنَهُمْ بِالْخُشُبِيَّةِ وَالْتُّقَىٰ وَمُخَالَفَةِ الْهُوَى وَمُلَازَمَةِ الْأَوَّلَىٰ، وَالْمُؤْمِنُونَ كُلُّهُمْ أَوْلَيَاءُ الرَّحْمَانِ وَأَكْرَمُهُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَطْوَعُهُمْ وَأَتَّسْعُهُمْ لِلْقُرْآنِ.

Иймон бирдир, иймон аҳли унинг аслида бир хилдирлар, иймонлилар орасидаги ўзаро бир-биридан фазилатда устун бўлиш Аллоҳдан қўрқув, тақво, нафси-ҳавога хилоф қилиш ва энг яхисини лозим тутишдадир. Мўминларнинг барчаси Раҳмоннинг авлиёлариидир. Уларнинг Аллоҳ хузурида энг икромлиси Аллоҳга итоатлироғи ва Куръонга эргашувчироғидир.

وَالْإِيمَانُ هُوَ الْإِيمَانُ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْقَدْرِ خَيْرٌ وَشَرٌ وَحُلْوٌ وَمُرِّهٌ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى، وَنَحْنُ مُؤْمِنُونَ بِذَلِكَ كُلِّهِ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْ رُسُلِهِ وَنُصَدِّقُهُمْ كُلَّهُمْ عَلَىٰ مَا جَاءُوا بِهِ.

Иймон – Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, расулларига, охират кунига, яхши ва ёмон, ширин ва аччиқ қадар Аллоҳдан эканлигига иймон келтиришдир. Биз буларнинг барчасига иймон келтирамиз, расуллари орасидан бирортасини ажратмаймиз ва уларни олиб келган нарсаларининг барчасида тасдиқлаймиз.

وَأَهْلُ الْكَبَائِرِ [مِنْ أُمَّةٍ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ] فِي النَّارِ لَا يَخْلُدُونَ إِذَا مَاتُوا وَهُمْ مُؤْحَدُونَ وَإِنْ لَمْ يَكُونُوا تَائِينَ بَعْدَ أَنْ لَقُوا اللَّهَ عَارِفِينَ [مُؤْمِنِينَ] وَهُمْ فِي مَشِيشَتِهِ وَحُكْمِهِ، إِنْ شَاءَ غَفَرَ لَهُمْ وَعَفَا عَنْهُمْ بِفَضْلِهِ كَمَا ذَكَرَ عَزَّ وَجَلَّ فِي كِتَابِهِ: (وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ) [النِّسَاءُ: 48 وَ 116] وَإِنْ شَاءَ عَذَّبَهُمْ فِي النَّارِ بِعَدْلِهِ ثُمَّ يُخْرِجُهُمْ مِنْهَا بِرَحْمَتِهِ وَشَفَاعَةِ الشَّافِعِينَ مِنْ أَهْلِ طَاعَتِهِ ثُمَّ يَبْعَثُهُمْ إِلَى جَنَّتِهِ، وَذَلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ تَعَالَى تَوَلَّ أَهْلَ مَعْرِفَتِهِ وَلَمْ يَجْعَلْهُمْ فِي الدَّارَيْنِ كَاهْلِ نَكْرَتِهِ الَّذِينَ خَابُوا مِنْ هِدَايَتِهِ وَلَمْ يَنَالُوا مِنْ وِلَايَتِهِ، اللَّهُمَّ يَا وَلِيَ الْإِسْلَامِ وَأَهْلِهِ ثِبَّتْنَا عَلَى الْإِسْلَامِ حَتَّى نَلْقَاكَ بِهِ.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматларидан бўлган гуноҳи кабира аҳллари Аллоҳни якка деб билиб, У зотни таниб, иймон келтирган ҳолларида вафот топган бўлсалар – тавба қилмай Аллоҳга йўлиққан бўлсалар ҳам – дўзахда абадий қолмайдилар. Улар Аллоҳнинг хоҳиши ва ҳукмида бўлиб, У зот Ўз Китобида зикр қилганидек хоҳласа уларни Ўз афви ила кечиради: “**Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Ундан бошқа гуноҳни, кимни хоҳласа, кечирур**” (Нисо сураси, 48-оят),

хоҳласа Ўз адли ила уларни дўзахда азоблар. Сўнгра уларни Ўз раҳмати, Ўзига итоаткор бўлган шафоатчиларнинг шафоати сабабидан дўзахдан чиқариб жаннатга юборур. Бу ҳолат Аллоҳ Үзини таниганларни дўст тутиши ва уларни бу дунёда ҳам, охиратда ҳам Аллоҳни инкор этувчи, ҳидоятидан ноумид бўлган ва Аллоҳга дўст бўлишдан бенасиб бўлганлар каби қилиб қўймаслигидандир.

Аллоҳим! Эй Ислом ва унинг аҳлининг дўсти! Бизни Исломда событ қилгинки, токи Сенга Ислом ила йўлиқайлик!

وَنَرَى الصَّلَاةَ خَلْفَ كُلِّ بَرٍ وَفَاجِرٍ مِنْ أَهْلِ الْقِبْلَةِ وَعَلَى مَنْ مَاتَ مِنْهُمْ، وَلَا نُنْزِلُ أَحَدًا مِنْهُمْ جَنَّةً وَلَا نَارًا وَلَا نَشْهُدُ عَلَيْهِمْ بِكُفْرٍ وَلَا بِشَرْكٍ وَلَا بِنِفَاقٍ مَا لَمْ يَظْهُرْ مِنْهُمْ شَيْءٌ مِنْ ذَلِكَ، وَنَذَرُ سَرَائِرِهِمْ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى،

Аҳли қибладан бўлган ҳар қандай яхши ёки фожир орқасида намоз ўқишни ва у ўлса унга жаноза намозини ўқишни жоиз деймиз. Уларнинг бирортасини жаннатий ёки дўзахий демаймиз. Токи улар тарафидан куфр, ширк ва нифоқ зоҳир бўлмас экан, уларга куфр, ширк ва нифоқ нисбатини бермаймиз, ботинларини Аллоҳга топширамиз.

وَلَا نَرَى السَّيْفَ عَلَى أَحَدٍ مِنْ أُمَّةِ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَّا مَنْ وَجَبَ عَلَيْهِ السَّيْفُ، وَلَا نَرَى اخْرُوجَ عَلَى أَئِمَّتِنَا وَوُلَادَةَ أُمُورِنَا وَإِنْ جَاءُوا وَلَا نَدْعُو عَلَيْهِمْ وَلَا نَنْزِغُ يَدًا مِنْ طَاعَتِهِمْ وَنَرَى طَاعَتَهُمْ مِنْ طَاعَةِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ فَرِيضَةً مَا لَمْ يَأْمُرُوا بِعَصِيَّةٍ، وَنَدْعُو لَهُمْ بِالصَّالِحِ وَالْمَعَافَةِ،

Қарши қилич күтариш вожиб бўлмаган бўлса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларидан бирортасига қилич күтармаймиз. Имомларимиз ва иш бошиларимизга жавр қилсалар ҳам қарши чиқмаймиз, уларни дуоибад қилмаймиз, маъсиятга буюрмас эканлар буйруқларидан чиқмаймиз ва уларга қулоқ солишни Аллоҳнинг тоатидан деб биламиз. Уларга салоҳият ва оғият сўраб дуо қиласиз.

**وَنَتَّبِعُ السُّنْنَةَ وَالْجَمَاعَةَ وَنَجْتَسِبُ الشُّدُودَ وَالْخِلَافَ وَالْفِرْقَةَ، وَنُحِبُّ أَهْلَ الْعَدْلِ وَالْأَمَانَةِ وَنَبْغُضُ
أَهْلَ الْجُنُورِ وَالْخِيَانَةِ وَنَقُولُ: إِنَّ اللَّهَ أَعْلَمُ فِيمَا اسْتَبَّهَ عَلَيْنَا عِلْمُهُ،**

Ахли суннат ва жамоатга эргашамиз ва жамоатдан ажралиш, хилоф ва фирмачиликдан четланамиз. Адолат ва омонат аҳлларини суямиз, жабр ва хиёнат аҳлларини ёмон кўрамиз. Бизга илми тушунарсиз бўлган нарсада “Аллоҳ энг билгувчи” деймиз.

**وَنَرَى الْمَسْحَ عَلَى الْحُفَّيْنِ فِي السَّفَرِ وَالْحُضْرِ كَمَا جَاءَ فِي الْأَثَرِ، وَالْحُجُّ وَالْجَهَادُ مَاضِيَانِ مَعَ أُولَئِكَ
الْأَمْرِ مِنَ الْمُسْلِمِينَ بَرِّهِمْ وَفَاجِرِهِمْ إِلَى قِيَامِ السَّاعَةِ لَا يُبْطِلُهُمَا شَيْءٌ وَلَا يَنْقُضُهُمَا.**

Саҳих хабарда келганидек икки маҳсига сафарда ҳам, муқимликда ҳам масҳ тортиш бор эканини айтамиз. Ҳаж ва

жиход мусулмонларнинг яхшию ёмон иш бошчилари билан биргаликда қиёмат кунигача давом этгувчидир. Бу икковини ҳеч нарса ботил қила олмайди ва синдира олмайди ҳам.

وَنُؤْمِنُ بِالْكَرِيمِ الْكَاتِبِينَ فِإِنَّ اللَّهَ قَدْ جَعَلَهُمْ عَلَيْنَا حَافِظِينَ، وَنُؤْمِنُ بِمَلِكِ الْمَوْتِ الْمُؤَكِّلِ بِقَبْضِ
 أَرْوَاحِ الْعَالَمِينَ، وَبِعَذَابِ الْقَبْرِ لِمَنْ كَانَ لَهُ أَهْلًا وَسُؤَالٌ مُنْكَرٌ وَنَكِيرٌ فِي قَبْرِهِ عَنْ رَبِّهِ وَدِينِهِ وَنَبِيِّهِ عَلَى
 مَا جَاءَتْ بِهِ الْأَخْبَارُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَعَنِ الصَّحَابَةِ رَضِيَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ، وَالْقَبْرُ
 رَوْضَةٌ مِنْ رِيَاضِ الْجَنَّةِ أَوْ حُفْرَةٌ مِنْ حُفَرِ النِّيَارِ،

“Кироман котибийн” – амалларни ёзиб борувчи фаришталарга иймон келтирамиз, албатта Аллоҳ уларни бизга хифз қилувчи қилиб қўйган. Оламлардаги барча рухларни қабз қилувчи “Малакул мавт” – ўлим фариштасига, қабр азобига мустаҳик бўлганлар учун қабр азоби бўлишига, “Мункар” ва “Накир”нинг қабрда банданинг Роббиси, дини, Набийси ҳақида савол қилишларига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишининг саҳобаларидан келган сахих хабарлар асосида иймон келтирамиз. Қабр жаннат боғларидан бир боғ ёки дўзах чуқурларидан бир чуқурдир.

وَنُؤْمِنُ بِالْبَعْثِ وَجَزَاءِ الْأَعْمَالِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَالْعَرْضِ وَالْحِسَابِ وَقِرَاءَةِ الْكِتَابِ وَالثَّوَابِ وَالْعِقَابِ
 وَالصِّرَاطِ وَالْمِيزَانِ,

Қайта тирилиш, қиёмат кунида амалларнинг мукофот ва жазоси берилиши, амаллар бандаларга намойиш қилиниши, уларни ҳисоб қилиниши, амаллар ёзилган китоблар ўқилиши, савоб, иқоб, сирот ва амаллар тортилувчи тарози-мезонга иймон келтирамиз.

وَالْجَنَّةُ وَالنَّارُ مَخْلُوقَتَانِ لَا تَفْنِيَانِ أَبَدًا وَلَا تَبِدَانِ، وَأَنَّ اللَّهَ تَعَالَى خَلَقَ الْجَنَّةَ وَالنَّارَ قَبْلَ الْحَلْقِ
 وَخَلَقَ لَهُمَا أَهْلًا فَمَنْ شَاءَ مِنْهُمْ إِلَى الْجَنَّةِ فَضْلًا مِنْهُ وَمَنْ شَاءَ مِنْهُمْ إِلَى النَّارِ عَذْلًا مِنْهُ، وَكُلُّ يَعْمَلٍ لِمَا
 قَدْ فُرِغَ لَهُ وَصَائِرٌ إِلَى مَا خُلِقَ لَهُ،

Жаннат ва дўзах ҳеч қачон фоний бўлмайди ва тугамайди. Аллоҳ таоло жаннат ва дўзахни халойиқни яратишдан аввал яратиб, икковининг аҳлини йўқдан бор қилди. Улардан хоҳлаганини Ўз фазли ила жаннатда, хоҳлаганини Ўз адли ила дўзахда қилди. Ўша бандаларнинг ҳар бири ўзи муюссар қилинганига амал қилгувчи ва унинг учун нима яратилган бўлса, ўшанга етиб борувчидир.

وَالْخَيْرُ وَالشَّرُّ مُقدَّرَانِ عَلَى الْعِبَادِ، وَالإِسْتِطَاعَةُ الَّتِي يَجِبُ بِهَا الْفِعْلُ مِنْ نَحْوِ التَّوْفِيقِ الَّذِي لَا يَجُوزُ
 أَنْ يُوصَفَ الْمَخْلُوقُ بِهِ: تَكُونُ مَعَ الْفِعْلِ، وَأَمَّا الْإِسْتِطَاعَةُ مِنْ جِهَةِ الصِّحَّةِ وَالْوُسْعِ وَالْتَّمَكُّنِ وَسَلَامَةِ
 الْآلاتِ فَهِيَ قَبْلَ الْفِعْلِ وَهِيَ يَتَعَلَّقُ الْخِطَابُ وَهُوَ كَمَا قَالَ تَعَالَى: (لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا)
 . [البقرة: 286]

Яхшилик ва ёмонлик бандаларга тақдир қилиб қўйилган. Феъл билан биргаликда юзага чиқадиган иститоъат бу – тавфиқ каби банда у ила васфланиши жоиз бўлмаган феъл билан шартли равишда юзага келади. Аммо феълга яроқли бўлиш, бажаришга қудрати этиш, имкони бўлиш, феълни бажариш учун асбоблари саломатлиги жиҳатидан бўлган иститоъат – феълдан аввал бўлади ва Аллоҳнинг хитоби, буйруғини бажариш ёки қайтарганини тарқ этиш мана шу иститоъатга таъаллуқлидир. Аллоҳ таоло Ўз Китобида айтади: “**Аллоҳ ҳар бир нафса фақатгина қудрати етадиган ишнигина юклайди**” (Бақара сураси, 286-оят).

وَأَفْعَالُ الْعِبَادِ خَلْقُ اللَّهِ وَكَسْبُ مِنَ الْعِبَادِ وَلَمْ يُكَلِّفْهُمُ اللَّهُ تَعَالَى إِلَّا مَا يُطِيقُونَ وَلَا يُطِيقُونَ إِلَّا مَا كَلَّفُوهُمْ وَهُوَ تَفْسِيرٌ: "لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ" نَقُولُ لَا حِيلَةَ لِأَحَدٍ وَلَا حَرَكَةَ لِأَحَدٍ وَلَا تَحُولَ لِأَحَدٍ عَنْ مَعْصِيَةِ اللَّهِ إِلَّا بِمَعْوِنَةِ اللَّهِ، وَلَا قُوَّةَ لِأَحَدٍ عَلَى إِقَامَةِ طَاعَةِ اللَّهِ وَالشَّبَاتِ عَلَيْهَا إِلَّا بِتَسْوِيفِ اللَّهِ،

Бандаларнинг феъллари Аллоҳнинг яратиши ва бандалар тарафидан касб қилишидир. Аллоҳ уларга тоқатлари етмайдиган нарсани юкламаган ва Аллоҳ уларга юклаган нарсага уларнинг тоқатлари албатта етади. Бу нарса “Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах” нинг тафсиридир. Яъни “Аллоҳнинг маъсиятидан Аллоҳнинг ёрдамисиз ҳеч кимга ҳеч қандай чиқар йўл йўқ, ҳеч қандай ҳаракатга имкон йўқ, ҳеч қандай ўнгланишга шароит йўқ. Аллоҳнинг тоатига Аллоҳнинг тавфиқисиз ҳеч қандай қувват йўқ ва ҳеч қандай сабот йўқ” деймиз.

وَكُلُّ شَيْءٍ يَجْرِي بِمَشِائِهِ اللَّهُ تَعَالَى وَعِلْمِهِ وَقَضَائِهِ وَقَدْرِهِ، غَلَبَتْ مَشِائِهُ الْمَشِيَّاتِ كُلَّهَا وَغَلَبَ
قَضَاؤُهُ الْحِيَالَ كُلَّهَا، يَفْعَلُ مَا يَشَاءُ وَهُوَ غَيْرُ ظَالِمٍ أَبَدًا (لَا يُسَأَلُ عَمَّا يَفْعَلُ وَهُمْ يُسْأَلُونَ) [الْأَنْبِيَاءُ:
. [23]

Хар бир нарса Аллоҳнинг хоҳиши, илми, қазоси ва қадари ила жорий бўлади. Унинг хоҳиши бошқа барча хоҳишлар устидан ғолибдир ва қазоси барча ҳийалалардан ғолибдир. Хоҳлаганини қиласи ва У ҳеч қачон зулм қилмайди: “Қилганидан (Аллоҳ) сўралмас, улар (махлукотлар) сўралурлар” (Анбиё сураси, 23-оят).

وَفِي دُعَاءِ الْأَحْيَاءِ وَصَدَاقَاتِهِمْ مَنْفَعَةٌ لِلْأَمْوَاتِ، وَاللَّهُ تَعَالَى يَسْتَجِيبُ الدَّعَوَاتِ وَيَقْضِي الْحَاجَاتِ
وَإِلَيْكُمْ كُلُّ شَيْءٍ وَلَا يَمْلِكُهُ شَيْءٌ وَلَا غَنِيَّ عَنِ اللَّهِ تَعَالَى طَرْفَةٌ عَيْنٌ، وَمَنِ اسْتَغْنَى عَنِ اللَّهِ طَرْفَةَ عَيْنٍ فَقَدْ
كَفَرَ وَصَارَ مِنْ أَهْلِ الْحَيْنِ،

Тирикларнинг дуо ва садақаларида майитлар учун манфаат бор. Аллоҳ таоло дуоларни ижобат этар, ҳожатларни право айлар ва барча нарсага эгалик қиласи. Унга ҳеч ким эгалик қиласи. Аллоҳдан кўз юмиб очгунча бўлган миқдор вақт ҳам беҳожат бўлинмайди. Кимки ўзини Аллоҳдан кўз юмиб очгунча миқдор вақт бўлса ҳам беҳожат бўлиши

мумкин эканлигини даъво қиласа, кофир бўлади ва ҳалокат аҳлидан бўлади.

وَاللَّهُ يَغْضِبُ وَيَرْضَى لَا كَأْحَدٌ مِنَ الْوَرَى.

Аллоҳ ғазаб қиласи ва рози ҳам бўлади. Аммо махлуқотлар ғазаблангани ёки рози бўлгани каби эмас.

وَنُحِبُّ أَصْحَابَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَلَا نُفَرِّطُ فِي حُبِّ أَحَدٍ مِنْهُمْ وَلَا نَتَبَرَّأُ مِنْ أَحَدٍ مِنْهُمْ وَنُبَغِضُ مَنْ يُبَغِضُهُمْ وَبِغَيْرِ الْخَيْرِ يَذْكُرُهُمْ، وَلَا نَذْكُرُهُمْ إِلَّا بَخْيَرٍ، وَحُبُّهُمْ دِينٌ وَإِيمَانٌ وَإِحْسَانٌ وَبُغْضُهُمْ كُفْرٌ وَنَفَاقٌ وَطُغْيَانٌ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сахобаларини яхши кўрамиз. Улардан бирортасини яхши кўришда чуқур кетмаймиз ва уларнинг бирортасидан ҳам безор бўлмаймиз. Уларни ёмон кўрганларни ва яхшиликсиз ёдга олганларни ёмон кўрамиз. Сахобаларни факат яхшилик ила ёдга оламиз. Уларга муҳаббат қилиш дин, иймон ва эҳсондир. Уларни ёмон кўриш куфр, нифоқ ва туғёндир.

وَنُشِّتُ الْخِلَافَةَ بَعْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَوَّلًا لِأَيِّ بَكْرٍ الصِّدِيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ تَفْضِيلًا لَهُ وَتَقْدِيمًا عَلَى جَمِيعِ الْأُمَّةِ ثُمَّ لِعُمَرَ بْنِ الْحَطَابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ثُمَّ لِعُثْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ثُمَّ لِعَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ وَهُمُ الْخُلَفَاءُ الرَّاشِدُونَ وَالْأُمَّةُ الْمَهْدِيُونَ.

Расуллоро соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейинги хилофатни жамики уммат ичида фазилат ва халифаликда муқаддамлик жиҳатидан аввало Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳуга исбот қиласиз. Кейин Ҳазрати Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳуга, кейин Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳуга, сўнгра Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳуга исбот қиласиз. Улар рошид халифалар ва ҳидоятланган имомлардир.

وَأَنَّ الْعَشَرَةَ الَّذِينَ سَمَّا هُمْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَبَشَّرَهُمْ بِالْجَنَّةِ نَشَهَدُ لَهُمْ بِالْجَنَّةِ عَلَى مَا شَهِدَ لَهُمْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَوْلُهُ الْحَقُّ وَهُمْ أَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ وَعُثْمَانُ وَعَلِيٌّ وَطَلْحَةُ وَالْزُّبَيرُ وَسَعْدُ وَسَعِيدُ وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ عَوْفٍ وَأَبُو عُبَيْدَةَ الْجَرَاحِ وَهُوَ أَمِينُ هَذِهِ الْأُمَّةِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ أَجْمَعِينَ،

Расуллоро соллаллоҳу алайҳи васаллам номлаган ва жаннат башоратини берган саҳобаларга - Расуллоро соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шаҳодатларига биноан ва у кишининг сўзлари ҳақдир – жаннатий деб гувоҳлик берамиз. Улар: Абу Бакр, Умар, Усмон, Алий, Толҳа, Зубайр, Саъд, Саъийд, Абдураҳмон ибн Авф ва Абу Убайда ал-Жарроҳ (бу

киши умматнинг амийнидир (омонатдоридир)) уларнинг барчасидан Аллоҳ рози бўлсин.

وَمِنْ أَحْسَنَ الْقَوْلَ فِي أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَزْوَاجِهِ الطَّاهِرَاتِ مِنْ كُلِّ
دَنَسٍ وَذُرِيَّاتِهِ الْمُمَدَّسِينَ مِنْ كُلِّ رِجْسٍ فَقَدْ بَرِئَ مِنَ النِّفَاقِ.

Ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сахобалари, ҳар қандай кирлиқдан пок азвожлари (аёллари) ва ҳар қандай ифлосликдан соф зурриётлари ҳақида сўзини гўзал қилса, нифоқдан саломат қолибди.

وَعُلَمَاءُ السَّلَفِ مِنَ السَّابِقِينَ وَمَنْ بَعْدَهُمْ مِنَ التَّابِعِينَ أَهْلُ الْخَيْرِ وَالْأَثْرِ وَأَهْلُ الْفِقْهِ وَالظَّرِ لَا
يُذْكُرُونَ إِلَّا بِالْجُمِيلِ وَمَنْ ذَكَرَهُمْ بِسُوءٍ فَهُوَ عَلَى غَيْرِ السَّبِيلِ،

Ўтганлардан бўлмиш салаф уламолар ва улардан кейин келиб яхшилик, яхши из, фикҳ ва тафаккур ахли бўлган холда салафларга эргашганлар факатгина гўзал сўзлар ила ёдга олинадилар. Ким уларни ёмонлик ила ёдга олса, у тўғри йўлда эмас.

وَلَا نُفَضِّلُ أَحَدًا مِنَ الْأَوْلَيَاءِ عَلَى أَحَدٍ مِنَ الْأَنْبِيَاءِ عَلَيْهِمُ السَّلَامُ وَنَقُولُ: نَبِيٌّ وَاحِدٌ أَفْضَلُ مِنْ
جِمِيعِ الْأَوْلَيَاءِ،

Бирорта авлиёни (Аллоҳнинг дўстини) Набийлар алайҳимуссаломларнинг бирортасидан афзал деб айтмаймиз ва: “Битта набий жамики авлиёлардан афзал” деймиз.

وَنُؤْمِنُ إِمَّا جَاءَ مِنْ كَرَامَاتِهِمْ وَصَحَّ عَنِ الْشَّفَّاتِ مِنْ رِوَايَاتِهِمْ،

Авлиёларга Аллоҳ тарафидан берилган кароматларга иймон келтирамиз холос, уларнинг кароматлари ишончли, омонатдор кишиларнинг ривоятлари ила сахихдир.

وَنُؤْمِنُ بِأَشْرَاطِ السَّاعَةِ مِنْ خُرُوجِ الدَّجَالِ وَنُؤْمِنُ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ عَلَيْهِ السَّلَامُ مِنَ السَّمَاءِ
وَنُؤْمِنُ بِطُلُوعِ الشَّمْسِ مِنْ مَغْرِبِهَا وَخُرُوجِ دَائِيَةِ الْأَرْضِ مِنْ مَوْضِعِهَا،

Дажжолнинг чиқиши, Ийсо ибн Марям алайҳиссаломнинг осмондан тушишлари, қуёшнинг мағрибдан чиқиши, “доббатул арз” (ер ҳайвони)нинг ўз ўрнидан чиқиши каби қиёмат аломатларига иймон келтирамиз.

وَلَا نُصَدِّقُ كَاهِنًا وَلَا عَرَافًا وَلَا مَنْ يَدْعِي شَيْئًا يُخَالِفُ الْكِتَابَ وَالسُّنْنَةَ وَإِجمَاعَ الْأُمَّةِ، وَنَرِى
الْجَمَاعَةَ حَقًّا وَصَوَابًا وَالْفُرْقَةَ زَيْغًا وَعَذَابًا،

Коҳин, башоратчи ва Китоб, суннат ва уммат мужтаҳидларининг ижмоъсига хилоф қилувчини тасдиқ қилмаймиз. Жамоат бўлишни ҳақ, тўғри ва фирқачиликни адашиш ва азоб деб биламиз.

وَدِينُ اللَّهِ فِي الْأَرْضِ وَالسَّمَاءِ وَاحِدٌ وَهُوَ دِينُ الْإِسْلَامِ قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: (إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ) [آل عمران: 19] وَقَالَ تَعَالَى: (وَرَضِيَتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِيَنًا) [المائدة: 3], وَهُوَ بَيْنَ الْغُلُوْبِ وَالْتَّقْصِيرِ وَبَيْنَ التَّشْبِيهِ وَالتَّعْطِيلِ وَبَيْنَ الْجُبْرِ وَالْقَدْرِ وَبَيْنَ الْأَمْنِ وَالْإِيَاسِ.

Аллоҳнинг ердаги ва осмондаги дини бир бўлиб у Ислом динидир. Аллоҳ айтади: “**Аллоҳнинг ҳузуридаги дин – Исломдир**” (Оли Имрон сураси, 19-оят).

Аллоҳ яна марҳамат қиласи: “**Сизларга Исломни дин деб рози бўлдим**” (Моида сураси, 3-оят).

Ушбу дин – чуқур кетиш ва камчиликка йўл қўйиш, “ташбийх” (Аллоҳни махлукотларга ўхшатиш) ва “таътийл” (Аллоҳнинг сифатларини инкор қилиш), жабарийлик (“бандада ҳеч қандай ихтиёр йўқ” деб эътиқод қилиш) ва “қадарийлик” (барча ихтиёр бандада” деб эътиқод қилиш), “Аллоҳнинг азобидан буткул омондаман” деб эътиқод қилиш ва “Аллоҳнинг раҳматидан буткул мосуво бўлганман” деб эътиқод қилиш – орасидадир.

فَهَذَا دِينُنَا وَاعْتِقَادُنَا ظَاهِرًا وَبَاطِنًا وَنَحْنُ بَرَاءٌ إِلَى اللَّهِ مِنْ كُلِّ مَنْ خَالَفَ الدِّيْنَ ذَكَرْنَاهُ وَبَيَّنَاهُ،
وَنَسْأَلُ اللَّهَ تَعَالَى أَنْ يُشَبِّهَنَا عَلَى الْإِيمَانِ وَيَخْتَمَ لَنَا بِهِ وَيَعْصِمَنَا مِنَ الْأَهْوَاءِ الْمُخْتَلِفَةِ وَالآرَاءِ الْمُتَفَرِّقَةِ
وَالْمَدَاهِبِ الرَّدِيَّةِ مِثْلِ الْمُشَبَّهَةِ وَالْمُعْتَزَلَةِ وَالْجَهْمِيَّةِ وَالْجُبْرِيَّةِ وَالْقَدَرِيَّةِ وَغَيْرِهِمْ مِنَ الَّذِينَ خَالَفُوا السُّنَّةَ
وَاجْمَاعَةَ وَخَالَفُوا الصَّالَةَ وَنَحْنُ مِنْهُمْ بَرَاءٌ وَهُمْ عِنْنَا ضُلَّالٌ وَأَرْدِيَاءُ، وَبِاللَّهِ الْعِصْمَةُ وَالتَّوْفِيقُ.

Мана шулар зохир ва ботиндаги динимиз ва эътиқодимиздир. Биз юқорида зикр қилганларимиз ва баён этганларимизга хилоф қилганлардан безормиз. Аллоҳ таолодан бизни иймонда событ қилишини, охиримизни иймон илиа бўлишини ва аҳли сунна ва жамоъага хилоф қилиб залолат тарафдори бўлган мушаббиҳа, мўътазила, жаҳмия, жабрия, қадария ва шу каби аҳли сунна ва жамоага терс бўлган тоифалар, турли қарашлар ва ҳар-хил ҳавои истаклардан Ўз паноҳида асранини сўраймиз. Биз бундай фирмалардан безормиз ва улар бизнинг наздимизда залолатга кетган ва бузукдирлар. Ёмонликлардан асраш ва яхшиликларга муваффақ қилиш Аллоҳдандир.